

Саттикулова Гавхарнисо Ахмадхановна
ТДШИ, катта ўқитувчи
Абдуллаева Холида Эркин қизи
ТДШИ, З-курс талабаси

ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар динамикаси ва таркиби таҳлил қилинган, унга таъсир этувчи омиллар аниқланган, икки мамлакат ўртасидаги инвестиция ҳамкорлиги ҳолати ўрганилган, ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириши йўналишлари асосланган.

Таянч сўзлар: экспорт, ташқи савдо айланмаси, савдо баланси, савдо-иқтисодий алоқалар, инвестиция ҳамкорлиги, эркин иқтисодий зоналар, экспортни диверсификациялаштириши, импорт таркибини такомиллаштириши, инновацияга асосланган иқтисодиёт.

Аннотация. В статье проанализирована динамика и структура торгово-экономических связей между Узбекистаном и Республики Корея, выявлены факторы, влияющие на динамику и структуру торгово-экономических связей, исследованы инвестиционное сотрудничество между двумя странами, обоснованы направления развития взаимных торгово-экономических связей.

Ключевые слова: экспорт, внешнеторговый оборот, торговый баланс, торгово-экономические связи, инвестиционное сотрудничество, свободные экономические зоны, диверсификация экспорта, совершенствование структуры импорта, инновационная экономика.

Annotation. The article analyzes the dynamics and structure of trade and economic relations between Uzbekistan and the Republic of Korea, identifies factors affecting the dynamics and structure of trade and economic relations, explores investment cooperation between the two countries, substantiates the direction of development of mutual trade and economic relations.

Keywords: export, foreign trade turnover, trade balance, trade and economic relations, investment cooperation, free economic zones, diversification of export, improvement of the import structure, innovative economy.

Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч Океани худудидаги савдо ҳамкорлари орасида Корея Республикаси етакчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга Корея Республикаси билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарайди. 1992 йил январда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг ўзаро алоқаларни ривожлантириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Икки мамлакат ўртасида давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро 170 дан ортиқ хужжат қабул қилинган. Мазкур салмоқли ҳукуқий база ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. 2006 йилда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация, 2017 йилда қабул қилинган Стратегик шериклик муносабатларини ҳар томонлама чукурлаштириш тўғрисида Кўшма баёнот томонларнинг ўзаро ишончидан далолатdir.

1-жадвал

2010-2018 йилларда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ташқи савдо айланмаси (млн.доллар)¹

	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Сальдо
2010	1615,8	158,2	1457,6	-1299,4
2011	1631	141,1	1484,9	-1343,8
2012	2136,9	112,0	2024,9	-1912,9
2014	2035,7	159,6	1876,1	-1716,5
2015	1739,6	176,4	1563,2	-1386,8
2016	1070,4	201,8	868,7	-366,9
2017	1387,6	143,3	1244,3	-1101,0
2018	2138,6	91,7	2046,9	-1955,2
2018 й.да 2010 й.га нисбатан, %	132,3	58,0	140,4	150,5

Манба: Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.230.

Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тизимида ташқи савдо алоқалари муҳим ўрин эгаллайди. Савдо соҳасида бу икки мамлакат ўртасида энг қўп қулайлик тартиби ўрнатилган. 2018 йилда Ўзбекистон ташқи савдосида Корея

¹ Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – Б.230.

Республикасининг улуши 6,3 фоизни ташкил этиб, асосий савдо ҳамкорлари орасида 5-ўринни эгаллаган.

Жадвал майлумотларидан қўриниб турибдики, Ўзбекистон ва Корея Республика ўртасидаги савдо алоқалари 2010-2018 йиллар давомида 1615,8 млн. АҚШ долларидан 2138,6 млн. АҚШ долларигача, яъни 32,3 фоизга ошган. Бироқ бу ўсиш фақат Корея Республикасидан Ўзбекистонга импорт ҳисобига юз берган. Хусусан, таҳлил қилинаётган давр мобайнида импорт ҳажми 1457,6 млн. АҚШ долларидан 2046,9 млн. АҚШ долларигача кўпайган. Айни вақтда Ўзбекистондан Кореяга экспорт ҳажми 158,2 млн. АҚШ долларидан 91,7 млн. АҚШ долларигача камайган.

Бу икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларида Ўзбекистон учун салбий савдо баланси шаклланган ва салбий сальдо ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2010 йилда Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан ташки савдо айланмасида салбий сальдо 1299,4 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 1955,2 млн. АҚШ долларига етган. Бундай шундай хуласа чиқаришимиз мумкинки, Ўзбекистон Корея Республикаси билан ташки савдо алоқаларини ривожлантириш, экспорт таркибида қўшилган қиймат даражаси юқори товарлар улушини ошириш асосида унинг таркибини такомиллаштириш соҳасида кенг кўламли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ўзаро савдо алоқалари динамикасига унинг товар таркиби катта таъсир кўрсатади. Таҳлиллар шундан далолат берадики, Ўзбекистондан Кореяга экспорт қилинаётган товарлар таркиби бир томонлама характерга эга бўлиб, унда хом ашё товарлари устувор ўринга эга. Хусусан, Ўзбекистондан Кореяга асосан пахта, хом ашё ва энергия ресурслари экспорт қиласи.

Айни вақтда Жанубий Кореядан Ўзбекистонга йирик миқдорда машина ва асбоб-ускуналар импорт қилинади. Хусусан, 2018 йилда Корея Республикасидан Ўзбекистонга умумий қиймати 1503,0 млн. АҚШ долларига тенг машина ва асбоб-ускуналар импорт қилинган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан 64,4 фоизга кўп. Машина ва асбоб ускуналар импортининг ортиб бориши тўғридан тўғри инвестицияларнинг ўзлаштирилиши, ишлаб чиқариш кувватларини ташкил қилиниши ва модернизация қилинишида ўз аксини топади.

Шунингдек, Корея Республикасидан йирик миқдорда кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар импорт қилинади. 2018 йилда Кореядан умумий қиймати 199 млн. АҚШ долларига тенг кимё маҳсулотлари ва ундан тайрланган

буюмлар импорт қилинган. Бу 2017 йил қўрсаткичига нисбатан 22,7 фоизга кўп демакдир. Кўриниб турибдики, Ўзбекистонга Корея Республикасидан импорт қилинадиган товар ва хизматларнинг 2018 йилда 83 фоиздан кўпроғи машина ва асбоб-ускуналар ҳамда кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳиссасига тўғри келади. Корея Республикаси Ўзбекистонга йирик миқдорда электронника маҳсулотлари ҳам экспорт қилади.

Маълумки, Корея Республикаси жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларидан бири бўлиб, унинг инвестиция салоҳияти юқори. Шу сабабли бу мамлакат билан инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизация ва диверсификация жараёнларининг ривожланишига ижобий таъсир қўрсатади. Таҳлиллар шундан далолат берадики, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида инвестиция ҳамкорлиги жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар ҳажми бўйича Корея Республикаси 4-ўринни эгаллайди. Унинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган тўғридан тўғри инвестициялари ҳажми 7 млрд. АҚШ долларидан ошди. Корея миллий нефть корпорацияси, Эксимбанки, “Kogas”, “Lotte group”, “Samsung”, “Hyundai”, “Shindong resources” ва бошқа кўплаб етакчи компаниялари юртимизда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистонда жанубий кореялик инвесторлар иштирокида тузилган 660 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 354 таси тўлиқ хорижий сармоя ҳисобидан ташкил қилинган. Мазкур корхоналар нефть-газ, нефть-кимё ва кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда тўқимачилик соҳаларида, ахборот-коммуникация технологиялари, транспорт ва логистика, туризм йўналишларида муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Юртимизда ушбу мамлакатнинг 75 та компанияси рўйхатдан ўтган. 2018 йилда Инчеон шаҳрида “Ўзбекистон – Корея савдо уйи” очилди. У Ўзбекистоннинг дунё стандартларига мос маҳсулотларини Жанубий Корея бозорига етказиб беришда мухим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси энергетика соҳасида муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Чунончи, 2016 йил Жанубий Корея билан ҳамкорликда Устюрт газ-кимё мажмуаси барпо этилди. Мамлакатларимизнинг савдо-иктисодий ҳамда сармоявий ҳамкорлигининг ёрқин намунаси бўлган ушбу йирик лойиҳага 4,2 миллиард доллар миқдоридаги маблағ йўналтирилган. Бу эса ўз навбатида ҳар йили 4,5 млрд. куб м газни қайта ишлаш имкониятини беради.

“Корея миллий нефть корпорацияси” эса Фаргона водийсида янги нефть конларини қидириб топиш лойиҳаларини амалга ошириш устида иш олиб бормоқда.

Маълумки, Корея Республикаси халқаро миқёсда ривожланган ва жозибадор эркин иқтисодий зоналарга эга мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакат Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва уларни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Бу соҳада “Ангрен” эркин иқтисодий зонасини “Инчхон” эркин иқтисодий зонаси бошқарувига бериш бўйича келишувга эришилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига географик омил, яъни мамлакатларнинг бир-биридан узокда жойлашганлиги ўз таъсирини кўрсатади. Бу, энг аввало, транспорт харажатларининг юқори бўлишида ўз аксини топади. Шунга қарамасдан, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш имконини беради.

Бу соҳада ишларни фаоллаштиришда икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи ўзаро муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Мазкур тарихий ташриф кўп қиррали алоқаларни ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Ташриф доирасида давлатлараро, хукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ битим, шунингдек, умумий қиймати 10 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 64 та ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли модернизация жараёнларининг муваффақияти ривожланган мамлакатлар, хусусан, Корея Республикаси тажрибасини ўрганиш ва унинг ижобий жиҳатларидан Ўзбекистонда фойдаланишга боғлиқ.

Хозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиёт ривожланишининг инновацион стратегиясини танланган. Бу йўналиш Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган “Ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳалар ва технологияларни тадбиқ этишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чоралара тўғрисида”ги Қарорида ўзининг яққол аксини топган бўлиб, ушбу қарор инновацион фаолиятни фаоллаштириш, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида интеграцион жараёнларни кучайтириш бўйича катта миқёсдаги ишларни кенгайтириш учун реал имкониятлар яратди. Бу билан давлат шуни эълон қилдики,

ишлиб чиқариш кучлари ва аҳоли турмуш даражасини ошириш фақатгина табиий ресурслардангина эмас, интеллектуал заҳиралардан унумли фойдаланиш билан ҳам белгиланади. Бу соҳада Ўзбекистон, шак-шубҳасиз, жуда катта имкониятларга эга, чунки мамлакат ўз илмий салоҳиятини сақлай билди: давлат қўллаб қувватлашида илмий ташкилотлар олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг даражаси ва ҳажми анчагина юқори. Бироқ шуни эътиборга олиш зарурки, илмий, айниқса илмий-техникавий соҳада бозор ёндашуви жараённи шундай ташкил этишни талаб қиласиди, унда илмий натижалар фан сифимли рақобатбардош маҳсулот ёки технологияга айланиши зарур.

Корея Республикаси ривожланиш стратегияси шуни кўрсатадики, инновацион тизимни шакллантириш айниқса, барқарор ривожланиш, иқтисодий хавфсизлик ва технологик нуқтаи назаридан, мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор вазифаларини бажаришга йўналтирилган бўлиши зарур. Аниқ белгиланган ривожланиш вектори асосий мақсадларга ресурсларни жалб қилиш имконини беради.

Корея тажрибасини умумлаштириш инновацион иқтисодиёт шакллантириш мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга боғлиқ эканлигини ва мамлакатимизда экспорт салоҳиятини ошириш борасида бир қатор ишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади:

- экспортбоп маҳсулотлар ишлиб чиқарувчи корхоналарга ишлиб чиқариш ва экспорт қилиш учун энг мақбул бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш;
- келажакда давлатнинг эркин муомаладаги валютада даромадлари салмоғини оишириш мумкин бўлган ишлиб чиқариш тармоқларини ва марказлашмаган ҳолда экспорт қилишни рағбатлантириб бориш;
- экспортбоп маҳсулотлар ишлиб чиқарувчи корхоналарга амалдаги ташқи бозорларини сақлаб қолишига ва янгилирини забт этишга кўмаклашувчи давлат сиёсати дастурини ишлиб чиқиши;
- давлатнинг самарали инвестиция сиёсати асосида экспортбоп маҳсулотлар ишлиб чиқарувчи технологияларни янгилаб бориш;
- хорижий инвестицияни экспортбоп маҳсулотлар ишлиб чиқариш соҳаларига жойлаштиришни янада рағбатлантириш.

Хозирги шароитда иқтисодиётни модернизациялаш, замонавий ишлиб чиқаришларни яратиш орқали мамлакат ташқи савдосини эркинлаштириш ва экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратишда инвестицияларини жалб қила олиш катта аҳамиятга эга.

Корея Республикаси тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, агарда ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ислоҳотлар барқарорликка эришишнинг қисқа муддатли масалалар ечимиға эмас, балки узоқ муддатли стратегик вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлса, шак-шубҳасиз, бу иқтисодиёт самарадорлигининг кўтарилишига имкон беради. Ўзбекистонда, бизнинг фикримизча, асосий эътиборни қўйидаги муаммоларга қаратиш лозим:

- биринчидан ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишининг қонуний ва меъёрий-хуқуқий асосларини кучайтиришга йўналтирилган ишларни давом эттириш. Амалдаги қатор қонунларга, хусусан, валютани тартибга солиши тўғрисидаги қонунга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, вазирликлар ва давлат идоралари томонидан қонунлар, Президент фармонлари, хукумат қарорлари мазмунларини аниқлаштирувчи норматив актларни ишлаб чиқиши ижобий рол ўйнаши мумкин;

- иккинчидан, экспорт фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг институционал асосларини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ, чунки бу йўналишдаги биринчи қадамлар (экспортни рафбатлантириш бўйича ташкил этилган Республика комиссияси фаолияти) керакли самара бергани йўқ. Маъмурий-бошқарув аппарат ходимлари сонини механик тарзда кўпайтирмасдан, амалдаги ташкилий бўғинлар, муҳим бўлинмаларнинг бирлашиши, функционал қайта бўйсениши ва шу кабилар орқали уларнинг вазифалари, хукуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаган ҳолда республика ташқи иқтисодий фаолият бошқаруви механизмини такомиллаштириш лозим. Бу ўринда маслаҳатчи органлар фаолиятлари халқаро тажрибасига эътиборни қаратиш аҳамиятга моликдир.

- учинчидан, республика бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ва маҳсус ваколатли ташкилотлар томонидан бошқариладиган экспорт фаолиятининг ахборот таъминланишида умумдавлат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш зарур. Ушбу тизим реклама-кўргазма ишларини ташкил қилувчи, ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатувчи, маркетинг маълумотларини йиғувчи, таҳлил қилувчи турли тармоқларга бўлинган бўлиши керак. Экспорт муаммолари бўйича кенг илмий изланишларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш ҳам экспорт самарадорлигини кўтаришга ёрдам беради;

- ниҳоят тўртинчидан, экспортнинг ривожланишига миллий операторларнинг манфаатларини турли хил турдаги хавфлардан ҳимоя қилувчи савдо ва инвестицияларни давлат томонидан суғурта қилишининг диверсификацияланган тизими бевосита туртки бўлиши мумкин. У ўзида савдони умумий суғурталаш,

валюта хавфларини суғурталаш, импорт учун аванс тўловлари, хорижий инвестициялар ва ҳоказоларни суғурталашни мужассамлаштириши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4047-сон Фармони. //”Халқ сўзи”, 2017 йил 8 февраль
2. Мухаммадиев С.Б. Экономическое влияние Южной Кореи на постсоветском пространстве на примере Центральной Азии. //Ж.: Экономика Центральной Азии. Том 1, №2, апрель-июнь 2017. – С.57-65.
3. stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси расмий сайти
4. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент – 2019. – 333 б.